



ТЕМИРҮО‘ЛСНИ

Temir yo‘llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҮО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 12-mart • payshanba • № 10 (6590)

БАЙРАМ ШУКУҲИ

2026 йилнинг 6 март кuni “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мажлислар залида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан азиз ва мунис темирйўлчи аёлларимиз учун байрам концерти бўлиб ўтди.

ТЕМИРЙЎЛЧИ ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ УЧУН БАЙРАМ КОНЦЕРТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Тадбирни “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Зуфар Нарзуллаев барча темирйўлчиларни самимий табриклаб очиб берди. Уларга соғлиқ ва бахт, касбий фаолиятларида янада катта муваффақият тилади. Давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл ходимларига ишониб топширилаётган янги ва катта-катта лойиҳаларни муваффақиятли, ишончли бажаришда соҳада фидойилик билан меҳнат қилаётган аёлларнинг ўрни беқиёслигини эътироф этди. Шундан сўнг байрамнинг тантанали қисми бошланди. Унда эстрадамизнинг ёрқин юлдузлари куй-қўшиқлари билан байрамга ўзгача кайфият бағишладди.

Давоми 4-бетда



УЧ ЮЗ НАФАРДАН ОРТИҚ СУРХОНДАРЁЛИК НУРОНИЙЛАР УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИГА САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 26 ФЕВРАЛЬ КУНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН БОРГАНИДА ВИЛОЯТНИНГ БИР ГУРУҲ ФУҚАРОЛАРИНИ, АЙНИҚСА, КЕКСА НУРОНИЙЛАРНИ ТОШКЕНТГА ТАКЛИФ ҚИЛИБ, БУ ЕРДА ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШЛАРИ МУМКИНЛИГИНИ АЙТИБ ЎТГАН ЭДИ.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу таклифи ижросини бажариш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимияти раҳбарлари томонидан вилоятдаги 300



нафардан зиёд юртдошларимизни пойтахтимизга ташрифини таъминлаб, мароқли саёҳат қилишлари учун барча шароит яратиб берилди.

Хусусан, “Ўзтемирйўлий-ловчи” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан Термиз – Тошкент йўналиши бўйича 920-сонли махсус поезд ажратилиб, жорий йилнинг 6 март кuni 100 нафарга яқин нуроний аёллар ва 200 нафардан ортиқ кекса отахонлар замонавий ва қулай шароитларга эга вагонда Тошкент сари йўлга чиқилди.

7 март кuni “Тошкент-жанубий” темир йўл вокзалида сурхондарёлик меҳмонлар муносиб кутиб олинди. Улар дастлаб махсус автобусларда Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Ислоҳ цивилизацияси марказига олиб борилди. У ерда меҳмонлар гуруҳларга бўлиниб, гидлар ёрдамида маҳобатли, кўркам ва экспонатларга бой марказ билан яқиндан танишишди. Сўнг эса унинг ёнидаги Ҳазрати Имом масжиди ва унинг атрофидаги Зарнайқар туристик кўчасида экскурсия қилишиб, эсдалик учун суратларга тушишди. Тажрибали гидлар томонидан меҳмонларга Ислоҳ цивилизацияси марказининг миллий меъморий услуги, Ҳазрати Имом масжиди ҳамда ушбу ҳудуддаги Тошкент шаҳрининг тарихий маҳаллалари кўриниши ҳамда аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Давоми 2-бетда

ЭЪТИРОФ НАМУНАСИ

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИДАГИ ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

2026 йил 6 март кuni “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ташаббуси билан 8 март – Халқаро хотин-қизлар кuniга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Жамият ва корхона, ташкилот, муассаса ҳамда тиббиёт масканларида турли лавозимларда, касбларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар таклиф этилди. Байрам тадбирида дастлаб Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Қутлимурат Саби-



ров ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш департаменти бошлиғи Давронбек Собиров сўзга чиқиб, барча темирйўлчи аёлларни ушбу байрам билан самимий табриқлашди. Соғлиқ-саломатлик ҳамда оилавий бахт тилашди. Темир йўлларимизнинг асосий бўғинларининг барқарор фаолият кўрсатишида эркак-

лар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб, ўзларининг касбга бўлган садоқатини кўрсатишаётганини эътироф этишди. Шундан сўнг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раҳбарияти томонидан Тошкент шаҳридаги темир йўл корхоналарида меҳнат қилаётган

энг фаол, илғор ҳамда ташаббускор 100 нафар хотин-қизларга 1 миллион сўмдан пул мукофоти берилди ва уларнинг ҳар бирига Республика Кенгаши раисининг байрам табриғи ёзилган таклифнома-лар, кўркам гулдастлар тарқатилди.

Шунингдек, барча минтақавий темир йўл узеллари тасаруфидagi корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда иш-



лаётган 100 нафар меҳнаткаш ва фидойи аёллар Республика Кенгашининг 1 миллион сўм рағбатлантирувчи мукофоти

билан тақдирланишди. Худудлардаги темир йўл ташкилотларида меҳнат қилаётган опасингилларимизга ҳам корхона раҳбарияти ва Бошланғич касаба уюшмаларининг муносиб совғалари берилмоқда.

Байрам муносабати билан 100 нафар нафақадаги темирйўлчиларга ҳамда 200 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилиб, 400 нафарига Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ҳамда Хива каби тарихий шаҳарларга бепул саёҳатлар уюштирилмоқда.



УЧ ЮЗ НАФАРДАН ОРТИҚ СУРХОНДАРЁЛИК НУРОНИЙЛАР УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИГА САЁХАТ УЮШТИРИЛДИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Навбатдаги манзил Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” боғи бўлди. Кекса отахонлар ва нуруний аёллар Шавкат Мирзиёев ташаббу-

си билан бунёд этилган ва ҳозирда шаҳримизнинг энг кўркем, гўзал боғларидан бирига айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” боғи бўйлаб сайр қилишди. Эсдалик учун фотосуратларга тушишди. Уларга 2021 йил 31 август куни истиқолимининг ўттиз



йиллигига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонларда айниқса, боғнинг марказий қисмида жойлашган буюк саркарда ва жаҳон-

гирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган мухташам бадиий обида – Мустақиллик монументи катта таассурот қолдирди. Ёдгорлик юртимизда Янги Ўзбекис-

шинам ресторанларнинг бирида ифторлик ташкил этилди. Байрамона безатилган дастурхон атрафида жам бўлган юртдошларимиз мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигига шукрона қилиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳар бир ишда муваффақият ва Яратгандан барака тилашди.

Шу куни кечкурун меҳмонлар “Тошкент-жанубий” темир йўл вокзалига олиб борилиб, замонавий ва қулай шароитларга эга кўркем вагонларимизда ўз манзилларига хавфсиз етказилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Сурхондарёдан пойтахтимизга ташриф буюрган нуруний юртдошларимиз учун бир кунлик саёҳат қалбларида бир умр ажиб хотира сифатида

тонни – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гоёси билан уйғун ҳолда барпо қилингани аҳамиятлидир.

Республикамизнинг энг катта боғидан бир олам таассуротлар билан чиққан меҳмонлар пойтахтимиздаги “Минор” масжидга ҳам ташриф буюришди. Халқ орасида “Оқ масжид” номи билан тилга олинган ушбу масжид ҳақида ҳам нурунийларга батафсил маълумотлар берилди. Шундан сўнг ташриф буюрувчилар учун пойтахтимиздаги

сақланиб қолиши шубҳасиз. Зеро, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу саёҳатда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимияти томонидан яратиб берилган қулай шароитлар, халқимизга хос меҳмонни иззат билан кутиб олиш тамойиллари асосида уларнинг кўнгилларини олишди, деб ўйлаймиз.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ФАОЛИЯТИДАН

ТАДБИР

БАҲОРНИНГ ИЛК ҲАДЯСИ: ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Баҳор... Бу фасл нафақат табиатнинг уйғониши, балки қалблардаги меҳр-оқибат кўртакларининг гуллаши ҳамдир. Кўёш нурлари ер юзини исита бошлаган шу азиз айёмда мамлакатимиз бўйлаб нафосат ва гўзаллик байрами – 8 март шукҳи кезиб юрибди. Бу байрам аслида аёл деган муқаддас хилқатга бўлган чексиз эҳтиром рамзидир.

соҳада меҳнат қилаётган фаол ва ижтимоий кўмакка муҳтож аёллар қалбига баҳор кўёшидек илиқлик олиб кирган файзли тadbир ташкил этилди.

Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти номидан иштирок этган мутасаддилар хотин-қизларга бўлган юксак ҳурмат изҳор қилинди. Хусусан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси маслаҳатчиси А.Абдуразаков ўз табригида аёлларнинг соҳа ривожидagi ўрнини алоҳида қайд этди. Темир йўл тизими каби масъулиятли ва матонат талаб этадиган соҳада аёлларнинг касбий маҳорати нафосати ҳамда фидойилиги иш самодорлигининг муҳим омили эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари М.Розиметов ҳам



сўзга чиқиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасидаги тизимли ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тadbир давомида 60 нафар фаол темирйўлчи аёллар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган хотин-қизлар ташкилот томонидан рағбатлантирилди. Бу нафақат моддий кўмак, балки инсон қадрли улугланаётган юртимиздаги эътиборнинг яққол намунаси бўлди.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўл минтақавий ташкилоти раиси Дилафруз Каримова тadbирнинг моҳияти ҳақида шундай деди:

“Аёлни эъзозлаш – оилани, Ватанни ва келажакни эъзозлаш демакдир. Бизнинг мақсадимиз соҳада жонбозлик кўрсатаётган опа-син-

гилларимизни ҳамда меҳрга муҳтож аёлларни байрам арафасида йўқлаш, уларнинг кўнглига баҳорий кайфият улашишдир. Зеро, аёл кулиб турса, хонадон файзли, жамият эса мустаҳкам бўлади”.

Тadbирда тақдирланганлар орасида йиллар давомида пўлат изларда заҳмат чеккан фахрийлар ҳам бор. Уларнинг юзидаги табассум ва миннатдорлик туйғуси ташкилотчилар учун энг катта мукофот бўлди. Бундай хайрли ишлар инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Инсонийлик ва меҳр-шафқат тамойилларини ўзида мужассам этган ушбу ташаббус баҳорнинг илк совғаси сифатида барчанинг қалбидан жой олди. Темирйўлчи аёлларнинг юзидаги нур бугунги ислохотларнинг, инсон қадрли азиз бўлган юртнинг энг гўзал манзарасидир.

“Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган хотин-қизлар 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан анъанавий тарзда мусиқа садолари остида гул ҳамда махсус табрикномалар билан кутиб олинди. Жамият бошқаруви раиси Хуснутдин Хасилов бошчилигидаги бошқарув аъзолари, Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров, ёшлар етакчилари ва фаол ёшлар жамиятининг ҳар бир ходимасини алоҳида табрик билан кутиб олган ҳолда уларга кун давомида яхши кайфият ва омад тилашди.

“ҚУЮВ-МЕХАНИКА ЗАВОДИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Шундан сўнг жамият фаоллар залида, жамият бошқаруви раиси Хуснутдин Хасилов ва Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоровлар жамият хотин-қизларини байрам муносабати билан муборакбод этиш мақсадида тadbир ўтказилди.

Дастлаб, жамият бошқаруви раиси Х.Хасилов сўзга чиқиб, 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларни чин юракдан табриклади. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, келгусидаги фаолиятида улкан зафарлар тилади. Сўнгра Касаба уюшмаси кўмитаси раиси У.Қаҳҳоров сўзга чиқиб, азиз аёлларимизнинг жамият ривожланишидаги улкан ўрни мавжуд эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Бу йилги байрам “Қуюв-механика заводи” акциядорлик жамияти учун алоҳида эътиборга молик. Сабаби байрамга муносиб совға сифатида Тайёрлов цехи кўприкли кран машинасини Кибриёхон Салимова “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди. Тadbир давомида Кибриёхон Салимова 21 йиллик меҳнат фаолияти натижасида эришган ютуқлари ва ёш авлодга ўрнак бўладиган маслаҳатлари билан бўлишди.



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

100 НАФАР ФИДОЙИ СОҶА ХОДИМИГА СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти мажлислар залида Бошқарма Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан Марказий аппарат тизимида ҳамда соҳа корхоналарида шараф билан меҳнат қилаётган фидойи темирйўлчи опа-сингилларимизнинг 100 нафари муносиб тақдирланди.



Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари М.Розиметов ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Бошқарма Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ш.Умарова ва бошқалар сўзга чиқиб, темирйўлчи опа-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклашди. Уларга соғлиқ, ишларида муваффақият, доим гўзал ва эътиборли бўлиб юришларини тилашди.

Шундан сўнг фидойи касб эгаларига эсдалик совғалари ва гулдасталар тантанали тарзда топширилди.



ИШЧИ-ХОДИМЛАР ҲАМДА НАФАҚАХЎРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳамда нафақада бўлган фахрий аёллар эътироф этилиб, уларга алоҳида эҳтиром кўрсатилди.



Ушбу сана муносабати билан Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси томонидан аёлларни қутлаш, уларнинг жамият ва жамоа ҳаётидаги ўрни ҳамда фидокорона меҳнатини қадрлаш мақсадида байрамона муҳит яратилди.

Шунингдек, узоқ йиллар давомида ташкилот раҳнақи йўлида самарали фаолият олиб борган ва бугунги кунда нафақада бўлган фахрий аёллар ҳам эъзозланди. Ҳудудий қўмита томонидан аёл ишчи-ҳодимлар ҳамда нафақахўрлар байрам муносабати билан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бу эътибор аёлларимизга бўлган ҳурмат ва ғамхўрликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Р.ЯНГИЕВ,
Ҳудудий касаба уюшма қўмитасининг
Ташкилий бўлим етакчи мутахассиси

МУКОФОТ МУБОРАК!

НАСИБА АХМЕДЖАНОВА “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ



2026 йилнинг 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги фармони асосан мамлакатимиздаги бир гуруҳ опа-сингилларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Қувонарлиси, улар орасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг “Ўзтемирйўлмаштаъмир” акциядорлик жамияти электр машина цехи изоляция устаси Ахмеджанова Насиба Муратовна “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

У ўзининг самарали меҳнати, бой билим ва тажрибаси билан юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаол қатнашиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида алоҳида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётган темирйўлчи ходимлардан биридир. Унинг ибратли ва самарали меҳнати давлатимиз раҳбари томонидан муносиб баҳолалиб, юксак мукофот билан тақдирланди.

6 март куни Кўксарой қароргоҳида Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирида мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ аёлларга давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари тантанали тарзда топширилди. Улар орасида Насиба Ахмеджанова ҳам Президентимиздан юксак мукофот – “Дўстлик” орденини қабул қилиб олди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ва барча темирйўлчи ходимлар номидан Насиба Ахмеджановани ушбу юксак мукофот билан чин дилдан табриклаймиз ва кейинги фаолиятига янада катта муваффақият тилаймиз.

МУЛОҚОТ

ТРАНСПОРТ СОҶАСИДАГИ РАҲБАРЛАР ВА ТАЛАБАЛАР УЧРАШУВИ

Тошкент давлат транспорт университетида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг Ташишларни ташкил этиш департаменти, “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти, “Ўзтемирйўлконтейнер” акциядорлик жамияти, Юк ва тижорат ишлари бошқармаси, “Ўзтемирйўлйўловчи” акциядорлик жамияти, “Темирйўлэкспресс” акциядорлик жамияти ҳамда Ягона диспетчерлик маркази раҳбарияти ва талабалар иштирокида “Раҳбар ва ёшлар учрашуви” бўлиб ўтди.

Йиғилишда корхоналарда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда тармоқни ривожлантириш вазифалари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, муҳандислик кадрларини тайёрлаш, ёш мутахассисларни соҳага жалб этиш, битирувчилар учун иш ўринлари, стажировка ва амалиёт имкониятлари юзасидан тушунтиришлар тақдим этилди.

Мулоқот давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларни бериб, соҳа мутахассисларидан бевосита жавоб олдилар. Фаол талабалар ташкилот раҳбарлари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.



ТАНЛОВ

“ЗУККО ТЕМИРЙЎЛЧИ ҚИЗЛАР-2026” КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги станциялар, корхона ва ташкилотлар ўртасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Миллий либослар – миллат кўзгуси” шиори остида “Зукко темирйўлчи қизлар-2026” кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов узелнинг Ёшлар иттифоқи етакчилари Кенгаши, Ҳудудий касаба уюшма қўмитаси ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси раиси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

“Зукко темирйўлчи қизлар-2026” танлови узел тасарруфида фаолият юритиб келаётган барча хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этиш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, касбий билим ва иқтидорларини юзага чиқариш мақсадида ташкил қилинди.

Танлов 4 та ижтимоий шартдан иборат бў-



либ, жамоалар ўзаро кўтаринки руҳда беллашдилар.

Бухоро ҳудуди жамоларининг кўрик-танлов натижалари:

- 1-ўринни “Бухоро” локомотив депоси жамоаси;
 - 2-ўринни Бухоро электр таъминоти масофаси жамоаси;
 - 3-ўринни “Бухоро” вагон эксплуатация участкаси жамоаси қўлга киритишди.
- Самарқанд ва Навоий ҳудуди жамоларининг кўрик-танлов натижалари:
- 1-ўринни Учқудуқ темир йўл масофаси жамоаси;
 - 2-ўринни Самарқанд алоқа ва ишорат масофаси жамоаси;
 - 3-ўринни Самарқанд электр таъминоти масофаси жамоаси қўлга киритди.



ТЕМИРЙЎЛЧИ ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ УЧУН БАЙРАМ КОНЦЕРТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



«Давоми. Бошланиши 1-бетда»

Таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз ва темир йўл тизими раҳбарияти томонидан соҳада фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар меҳнати ҳамisha юксак қадрланиб келинади. Уларга ҳар йили ушбу байрам муносабати билан катта эҳти-

ром кўрсатилади, моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Жорий йил ҳам бу анъана давом эттирилиб, байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлаш мақсад қилинган эди.

Бу йил «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаевнинг 2026 йил 19 феврал-

даги «Халқаро хотин-қизлар кунни муносабати билан бир марталиқ мукофотлаш тўғрисида»ги буйруғига асосан соҳада меҳнат қилаётган 11 минг 65 нафар темирйўлчи опа-сингилларимизнинг ҳар бири бир марталиқ мукофот пули – бир миллион сўм билан тақдирланди.

Минтақавий темир йўл узеллари ҳамда тармоқ корхоналарида, тиббиёт муассасаларида аёллар байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш учун маданий тадбирлар ташкил этиши, темир йўл транспорти соҳасидаги энг илғор, обрўли, ибратли ва фидойи, юксак маънавиятли, оилада ҳамда фарзанд тарбия-

сида ибрат бўлиш билан бирга ўзлари фаолият кўрсатаётган корхона ва муассаса нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган ташаббускор темирйўлчи хотин-қизлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, эҳтиёжманд аёллар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

СИЗ КУТГАН СУХБАТ

МУҚАДДАС ХОЛИҚОВА:

“ПОЕЗДДА ЙЎЛОВЧИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТЛАРДАН ХУРСАНДМАН”



Муқаддас Холиқова 1960 йил 14 апрелда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1981 йили А.Н.Островский номидаги Тошкент давлат театр ва рассомлик институтининг “Театр ва кино актёрлиги” факультетини тамомлаган.

Актрисанинг меҳнат фаолияти 1981 йилдан буён Ўзбек миллий академик драма театри билан чамбарчас боғлиқ. Кўп йиллик самарали ижоди ва санъат соҳасидаги хизматлари давлат томонидан юксак қадрланиб, бир қанча унвон ва мукофотларга лойиқ кўрилган. Хусусан, 2001 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 2014 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонлари, 2026 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланган. Томошабинлар меҳрини қозонган ижодкорнинг ҳар бир роли ўзига хос шижоати ва самимийлиги билан ажралиб туради. Муқаддас Холиқова нафақат забардаст санъаткор, балки оилада уч қизининг меҳрибон онаси ва етти нафар неваранинг суякли бувижонисидир.

Биз бугунги суҳбатимизда халқимизнинг севилими санъ-

аткори, шижоатли ва ҳамisha гўзал актриса Муқаддас Холиқова билан ижод ва ҳаёт йўллари ҳақида дилдан гаплашдик.

– **Ўзбекистон темир йўллари ҳақидаги фикрингиз қандай? Поездга охири марта қачон чиқдингиз?**

– Илгари, собиқ иттифоқ даврида поездларда кўп юрардик. Ўша пайтдаги вагонларда чойлардан кўмир ҳиди келиб турарди, ўша дамларни ҳам кўрганмиз. Ҳозир эса замон ўзгарди, техника ривожланди. Яқинда “Афросиёб” ва “Шарқ” тезкор поездларида юриб, шароитлар мутлақо бошқача эканига гувоҳ бўлдим. Йўловчилар учун яратилган қулайликлардан жуда хурсандман. Айниқса, вагон кузатувчиларининг хушмуомалалиги таҳсинга лойиқ. Тез-тез ижодий жамоамиз билан поездда сафарга чиқамиз. Бир вагонга

жойлашиб, хангомалар қилиб, кўшиқлар айтиб кетишининг гаши бўлакча. Халқ хизматидаги барча темирйўлчиларга оилавий хотиржамлик ва соғлиқ тилайман.

– **Сиз учун идеал режиссёр қандай бўлиши керак?**

– Режиссёр, аввало, ўз мустақил фикрига эга бўлиши шарт. Эрталаб репетицияга келганда бугун нима ҳақида гапиришини ва нима қилишини аниқ билиши лозим. Теран фикрли ва ўз сўзида қатъий туриши муҳим. Режиссёрнинг бироз “қайсар” бўлгани ҳам яхши, чунки у ўз ижодий қарашларини охиригача етказа олиши керак. Мен учун идеал режиссёрлар қаторида маҳаллий мактабимиз намояндalарини – Баҳодир Йўлдошев, Рустам Ҳамидов, Олим Салимов ва уларнинг муносиб давомчиси Асқар Холмўминовларни алоҳида эътироф этаман.

– **Карьерангиздаги энг катта хатоингиз нима деб ҳисоблайсиз?**

– Менимча, “карьер” тushунчаси кўпроқ тижорат соҳасига хос. Мен ҳеч қачон мансаб ёки мартаба кетидан қувган инсон эмасман. Карьера устувор бўлган жойда ҳақиқий ижод йўқолади. Актёр учун асосийси – ижроси томошабин юрагига етиб бориши. Санъатда математикадагидек исботланган формула йўқ, кимгадир ижодингиз ёқади, кимгадир йўқ. Шунинг учун ҳам санъаткор фақат танилиш ёки овоза бўлиш учун ижод қилмаслиги керак.

– **Ҳаётда энг кўп нимадан кўрқасиз ва нимадан фахрланасиз?**

– Энг катта кўрқувим – умрим сўнггида фарзандларимга оғирлигим тушиб, ётиб қолиш. Илоҳим, охириги дамгача қўл-оёғим ўз хизматимда бўлсин. Фахрланадиган нарсам эса



фарзандларимнинг ютуғи ва олган тарбияси. Агар зурриёдларимиз, невараларимиз ҳамда одамлар “мана шу инсоннинг фарзанди-да” деб ижобий баҳо беришса, мен учун энг катта бахт ва фахр шу.

– **Қизларингизни улғайтиришда асосан нималарга эътибор бергансиз?**

– Фарзанд тарбияси жуда масъулиятли жараён. Мен тарбия беришда ҳеч қачон қаттиқ танбех бериш ёки болаларимни бир-бирига солиштириш (масалан, “ана, опангни қара”) тарафдори бўлмаганман. Агар

бирор хато қилишса, уларни тўғридан-тўғри айбламай, бошқа бир мисол орқали: “Фалончининг боласи шундай иш қилибди, жуда хафа бўлдим, илоҳим сизлар бундай қилманглар”, деб тушунтирганман. Қизларим бу тарбияни тўғри қабул қилишганидан хурсандман.

– **Сизни халққа танитган энг асосий ролларингиз қайсылар?**

– Албатта, ҳар бир ролим устида алоҳида меҳнат қилганман. Лекин Муқаддас Холиқова сифатида танилишимда иккита ижодий иш катта бурилиш ясаган. Биринчиси – театрдаги “Кўнгли” спектакли, иккинчиси – кинодаги “Севгинатор 2” фильми. 2009-2010 йилларда экранларга чиққан бу кинодан сўнг одамлар мени шунчаки “артист” эмас, балки исми билан атай бошлаган. Кўча кетаётганимда анави телевизорда чиқадиغان артист эмас, айнан Муқаддас Холиқова бўлиб танилганим менимча шу иккала ролимдан кейин бўлса керак деб уйлайман.

– **Сизнинг бугунги даражага етишингизда устозларингизнинг ҳиссаси қай даражада? Кимларни ўз**

устозингиз деб биласиз?

– Албатта, бу даражага етишимда устозларимнинг ҳиссаси бекиёс. Биласизми, санъатда ҳеч қайси устоз сизни рўпарасига ўтказиб қўйиб, “кел, мен сенга устозлик қиламан”, деб дарс бермайди. Биз устозларни кузатиб ўрганганмиз. Уларнинг саҳнада ўзини тутиши, одамлар орасидаги одоби, қаерда нима гапириши билан биз учун катта тарбия мактаби бўлган. Мен ўзимдан атиги бир йил олдин театрда келган актёрдан ҳам нимадир ўрганишга ҳаракат қилардим. Лекин ҳақиқий маҳорат дарсларини ўзбек санъатининг даргалари – Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Наби Райҳимов, Икром Болтаева, Тўти Юсупова ва Рихси Иброҳимовалардан олганман. Ушбу улғу санъаткорларни ўз устозларим деб биламан. Тўғри йўлдан юришимда, ҳар бир асар устида кунт билан ишлашимда ва роль ижро этаётганда қахрамоннинг дунёсига кириб боришимда уларнинг ўғитлари ва ибрати доимо менга йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-334 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6